

## ЎЗБЕКИСТОНДА ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ: ЗАМОНАВИЙ ВА ИСТИҚБОЛЛИ ЭНЕРГЕТИКА

Зокиров Шухрат Эркиналиевич,  
катта илмий ходим

«Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий  
асослари ва муаммолари» илмий тадқиқотлар маркази,  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар иқтисодчи олимларининг қайта тикланувчи энергия манбалари бўйича илмий асарлари ўрганилган. Ўзбекистоннинг қайта тикланувчи энергетика салоҳияти иқтисодий жиҳатдан баҳоланган ва мамлакатимиз энергетика сиёсати олдидағи муҳим вазифалар таҳлил этилган. Шунингдек, Ўзбекистонда қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишининг иқтисодий жиҳатлари ўрганилган ва қайта тикланадиган энергия ривожланишининг асосий тенденциялари баён қилинган. Ялпи ички маҳсулот, газ ва кўмир қазиб олиши омилларини инобатга олган ҳолда эконометрик таҳлиллар асосида мамлакатимизда электр энергия шилаб чиқарии ҳажмининг прогнозлари амалга оширилган. Мамлакатимизда қайта тикланувчи энергетикани ривожлантиришинг иқтисодий механизмлари шилаб чиқилган. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиши кўламини ошириши бўйича хуносалар ва тақлифлар берилган.

**Таянч тушунчалар:** қайта тикланувчи энергия манбалари, барқарор ривожланиши, қуёши энергияси, замонавий энергия, энергия баланси, энергия самарадорлиги, «яшил» сертификат.

## ВОЗОБНОВЛЯЕМЫЕ ИСТОЧНИКИ ЭНЕРГИИ В УЗБЕКИСТАНЕ: СОВРЕМЕННАЯ И ПЕРСПЕКТИВНАЯ ЭНЕРГЕТИКА

Зокиров Шухрат Эркиналиевич,  
старший научный сотрудник

Научно-исследовательский центр  
«Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана»,  
Ташкентский государственный экономический университет

**Аннотация.** В статье рассматриваются научные труды экономистов Узбекистана и зарубежных стран по возобновляемым источникам энергии. Потенциал возобновляемых источников энергии в Узбекистане был оценен экономически, проанализированы основные цели энергетической политики страны. Рассмотрены экономические аспекты использования возобновляемых источников энергии и определены основные тенденции их развития. На основе эконометрического анализа, с учетом факторов валового внутреннего продукта, производства газа и угля сделан прогноз производства электроэнергии в стране. Разработаны экономические механизмы развития возобновляемой энергетики в стране. Представлены выводы и рекомендации по увеличению использования возобновляемых источников энергии.

**Ключевые слова:** возобновляемые источники энергии, устойчивое развитие, солнечная энергия, современная энергия, энергобаланс, энергоэффективность, «зеленый» сертификат.

## RENEWABLE ENERGY SOURCES IN UZBEKISTAN: MODERN AND PERSPECTIVE POWER ENGINEERING

**Zokirov Shukhrat Erkinaliyevich,**  
Senior researcher

«Scientific foundations and problems of economic development of Uzbekistan»  
Scientific Research Center, Tashkent State University of Economics

**Abstract.** The article discusses scientific elaborations on renewable energy sources made by national and international economists. The study evaluates the potential of renewable sources available in Uzbekistan from economic viewpoint and analyses the main objectives of the power supply policy of the republic. It also reviews economic aspects of the use of renewable energy sources in Uzbekistan and defines their development trends. A forecast of electricity production in the country has been made based on econometric analysis with an account of GDP factors, gas and coal production. Economic mechanisms for the development of national renewable power engineering have been designed. Findings and recommendations for wider use of renewable sources of energy are presented.

**Keywords:** renewable energy sources, sustainable development, solar energy, contemporary energy supply system, energy balance, power efficiency, 'green' certificate.

### Кириш

Илм-техника тараққиёти инсониятнинг табиий ресурслардан оқилона фойдаланиши ва атроф-муҳитга салбий таъсирларни камайтиришида қатор имкониятларни яратади. Маълумки, дунё энергия истеъмолининг ошиб бориши, жаҳон бозоридаги қазиб олинувчи ёқиғи-энергия ресурслари нархининг кўтарилиши ва энергия ресурсларининг дефицити кўплаб мамлакатларнинг халқаро энергия бозорига бевосита боғлиқлик даражасини оширади. Қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг кўламда жорий қилишга асосланган замонавий ва истиқболли энергетика мамлакатларнинг ташқи энергия ресурсларига боғлиқлигини камайтиради, улардаги мавжуд нефть, газ ва кўмир каби ёқиғи ресурслари захирасининг бир қисмини тежаш имконини беради. Бу эса яқин келажакда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш кўламининг ошиши мамлакатлар барқарор ривожланишига эришишида асосий омиллардан бирига, узоқ муддатли даврда энергия стратегиясининг негизига айланади, катта иқтисодий самара беради. Маълумки, иқтисодий ривожланиш энергия истеъмолининг кўпайиши ва атмосферага чиқариладиган иссиқхона газлари миқдорининг ўсиши билан боғлиқ. Қайта тикланувчи энергия манбалари эса ушбу алоқадорликни пасайтиради, барқарор

ривожланишга эришиш учун муҳим омилга айланади. Шуни айтиш жоизки, «барқарор ривожланиш» концепциясининг жаҳон мамлакатлари ўртасида консенсус даражасига кўтарилиши ва унинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланган экологик тоза қайта тикланувчи энергетиканинг муваффақиятли ривожланиши Европа Иттифоқи мамлакатларининг анъанавий энергия манбаларига бўлган талабини камайтиromoқда, газ ва нефть бўйича йиллик истеъмол прогнозларининг камайиш тенденциясига ижобий таъсир кўрсатмоқда [1, 2].

Қайта тикланувчи энергия манбалари бўйича хорижий мамлакатларда кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Масалан, италиялик иқтисодчи олим Andrea Borghesi ўзининг «Қайта тикланувчи энергия сиёсатининг интенсив рағбатлантириш механизmlари» (Simulation of incentive mechanisms for renewable energy policies, 2013) номли тадқиқотида қайта тикланувчи энергетикани истиқболли ва замонавий энергетика сифатида ёритиб берган. Олимнинг тадқиқотида энергетиканинг ушбу соҳасини ривожлантириш бўйича интенсив механизmlар ишлаб чиқилган [3]. Голландиялик олим Ulritz Uzein ўзининг «Қайта тикланувчи энергия сиёсатидаги самарадорлик: бонусли таърифлар ва қайта тикланувчи портфель стандартлар» (Effectiveness of Renewable Energy Policies in

Promoting Renewable Energy Development: The case of Feed-in-Tariff and Renewable Portfolio Standard, 2017) номли тадқиқотида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни рағбатлантиришнинг иқтисодий механизмларини ёритиб берган. Мантиқий таҳдил усулидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилган рағбатлантирувчи механизмларнинг соҳани ривожлантиришга таъсирини баҳолаган [4].

Рус олим С.А. Подолинский биринчи бўлиб қишлоқ хўжалигида қайта тикланувчи энергиянинг қуёш энергияси туридан фойдаланиш бўйича чуқур тадқиқотлар олиб борди. У қишлоқ хўжалигида меҳнат тушунчасини қуёш энергияси оқими самарадорлиги билан боғлиқликда ўрганди [5]. Австриялик олим Э. Захер биринчи бўлиб Австрия ва Пруссия учун қайта тикланадиган ва қайта тикланмайдиган энергия манбаларидан фойдаланишнинг қиёсий таҳдилини амалга оширди. Бунда у аҳоли жон бошига маданий ўсимлик ва ёғочнинг 19 млн калл. ва кўумирнинг 9 млн калл. энергияси тўғри келишини аниқлади [6]. Ўз тадқиқотлари давомида Э. Захер саноат цивилизацияси ва табиий ресурсларнинг чекланганлиги билан боғлиқ кризиснинг юзага келиши, инсоният хўжалик фаолияти ва биосферанинг ўзаро боғлиқ бўлган жаҳоннинг термодинамик тасвирини ишлаб чиқди [7].

Ушбу мақолада Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар иқтисодчи олимларининг қайта тикланувчи энергетикани ривожлантириш таҳдилига бағишлиган илмий асрлари ўрганилган ҳамда улардан фарқли равишда Ўзбекистоннинг қайта тикланувчи энергетика салоҳияти баҳоланган, соҳани ривожлантириш бўйича рағбатлантирувчи механизмлар ишлаб чиқилган. Тадқиқот методологияси сифатида адабиётларнинг қиёсий таҳдили ва фаразни асослаш усуllibаридан фойдаланилган. Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистоннинг қайта тикланувчи энергетика соҳаси танлаб олинган. Энергия ресурслари тежамкорлиги муаммоларининг юзага келиши, қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг кўламда фойдаланиш масалалари ва барқарор ривожланниш мақсадларига эришиш йўлида самарали энергия сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар тизими эса тадқиқот предмети бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот диалектик дунёқараш тамойиллари асосида бажарилди. Барқарор ривожланниш мақсадларига эришишда қайта тикланувчи энергетикани ривожлантириш масаласини ўрганишда иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга узвийликда қаралиб, тизимли ёндашув услуби қўлланилди. Маълумотлардан холоса чиқаришда мантиқий таҳдил, синтез, умумлаштириш, индукция ва дедукция усуllibаридан фойдаланилди.

### Асосий қисм

Бугунги кунда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2015 йилнинг сентябрида Барқарор ривожланниш бўйича ўтказилган саммитида қабул қилинган 70-сон резолюциясига мувофиқ, шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланниш мақсадларини изчил амалга ошириш бўйича Ўзбекистонда қатор миллий вазифалар [8], хусусан 2030 йилгача арzon, ишончли ва замонавий энергия таъминотидан умумий фойдаланишни таъминлаш, жаҳон энергетика мувозанатида тикланувчан манбалардан олинидиган энергия улушини жиiddий равища кўпайтириш, энергия самарадорлигини кучайтириш бўйича кўрсаткични икки барвар ошириш, замонавий ва барқарор энергия билан таъминлаш учун инфратузилмани кенгайтириш ва технологияларни модернизация қилиш вазифалари белгиланди. Ушбу вазифаларни амалга ошириш бугун ва яқин келажакда иқтисодиётимизда энергия самарадорлигининг ошиши, энергиянинг муқобил манбаларидан фойдаланиш кўламининг кенгайиши, экологик тоза энергия сиёсатига эришиш, охир-оқибатда эса барқарор ривожланниш имконини беради.

Маълумки, миллий энергия баланси кўплаб омилларга боғлиқ бўлади, жумладан, мавжуд табиий ресурслар, иқтисодиёт таркиби ва бошқалар. Дунё тажрибаси, газ қазиб олишга ихтисослашган мамлакатлар нефть ва кўмир ишлаб чиқаришга ихтисослашган мамлакатларга нисбатан кам экологик салбий таъсирларни юзага келтиради. Қайта тикланувчи энергия манбалари ва атом энергиясидан кенг кўламда фойдаланиладиган мамлакатлар эса «барқарор ривожланниш» концепциясининг таркибий қисми ҳисобланган экологик инди-

каторлари бўйича юқори устунликка эга. Мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларининг йирик салоҳияти экологик тоза ва яшил иқтисодиётни ривожлантиришга янада туртки бўлади. Ўзбекистонинг қайта тикланувчи энергия манбалари бўйича жами салоҳияти 117 984 млн т.н.э.ни ташкил этиб, унинг техник салоҳияти 179,3 млн т.н.э.га тенг. Ушбу салоҳиятнинг асосий улушкини қуёш энергияси ташкил қилиб, унинг ялпи салоҳияти 50 973 млн т.н.э. ҳамда техник салоҳияти 177 млн т.н.э.га тенг. Қуёш энергиясининг техник салоҳияти мамлакатимиз бирламчи энергия истеъмолидан 3-3,5 баробарга ортиқ. Мамлакатимизнинг қулай иқлимий ва географик жойлашуви қуёш энергияси салоҳиятидан саноат мақсадларида кенг кўламда фойдаланиш имкониятини беради. Шамол энергиясининг умумий салоҳияти 2,2 млн т.н.э.ни ташкил қилиб, унинг 19 фоизини техник ўзлаштириш имконияти мавжуд. Геотермал энергиянинг умумий салоҳияти қуёш энергияси салоҳиятидан ҳам юқори бўлиб, унинг миқдори 67 000 млн т.н.э.ни ташкил қилади. Ушбу энергия турини ўзлаштириш учун оддий ва иқтисодий жиҳатдан фойдали технологияларнинг ривожланмаганлиги туфайли, унинг 0,3 млн т.н.э. қисминигина техник жиҳатдан ўзлаштириш имконияти мавжуд (1-жадвал). Иқтисодиётнинг турли тармоқларида, хусусан саноат ва қишлоқ хўжалигида майший чиқиндиларни қайта ишлаш орқали биогаз ишлаб чиқариш салоҳияти ҳам мавжуд. Бунда оптимал технологияларни жорий қилиш бир тонна қаттиқ майший чиқинди орқали 250 м<sup>3</sup> биогаз олиш имконини беради.

Бугунги кунда Ўзбекистон энергия балансининг асосий қисмини газ ташкил қилади. Ушбу ёқилғи энергияси турининг мамлакатимиз бирламчи энергия истеъмолидаги улуси 2018 йилда 83,4% ни ташкил қилган. Сўнгги йилларда кўмир истеъмоли ошиб бормоқда. Кўмир истеъмолининг ошишига асосий сабаблардан бири иссиқлик электр станцияларида ёқилғи-энергия ресурслари истеъмоли таркибида кўмир улушкининг ошишидир. Хусусан, углеводород хомашёси ёниши ҳисобига электр энергияси ишлаб чиқаришда кўмирнинг улуси 2005 йилда 4,8% ни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич босқичма-босқич оширилиб, 2020 йилда 14,7% гача етказилиши прогноз қилинмоқда. Электр энергияси ҳосил қилишда газнинг улуси эса камайиб боради. Бу кўрсаткич 2020 йилга бориб 2005 йилга нисбатан 11,1% га камайиши кутилмоқда [10]. Сўнгги йилларда мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш кўлами ошиб бормоқда. Хусусан, 2016 йилда жами ҚТЭМ қуввати нефть эквивалентида 2,709 млн тоннани ташкил қилган бўлса, 2018 йилда бу кўрстакич 2,802 млн тоннага етган [11].


Мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча тармоқларида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш узоқ муддатли даврда тармоқлардаги рақобатбардошликтни оширишнинг муҳим омили ҳисобланади. Қайта тикланувчи энергия манбаларининг кенг жорий қилиниши тармоқларда энергия ресурслари билан таъминлаш хизматларини кўрсатишга харажатларнинг камайиши, ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошиши, шунингдек,

## 1-жадвал

### Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия манбалари салоҳияти\*

Қайта тикланувчи энергия манбалари	Умумий потенциал	Техник потенциал
Гидроэнергетика	9,2 млн т.н.э.	2 млн т.н.э.
Шамол энергияси	2,2 млн т.н.э.	0,4 млн т.н.э.
Қуёш энергияси	50 973 млн т.н.э.	177 млн т.н.э.
Жами қайта тикланувчи энергия манбалари (геотермал энергиядан ташқари)	50 984 млн т.н.э.	179 млн т.н.э.
Геотермал энергия	67 000 млн т.н.э.	0,3 млн т.н.э.
Умумий қайта тикланувчи энергия манбалари	117 984 млн т.н.э.	179,3 млн т.н.э.

\*Источник: [9]



1-расм. Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия манбалари улушининг ўсиш динамикаси

\* Манба: [12-14].

барқарор энергиянинг мавжудлиги, молиявий маблағларнинг тежалишига ҳамда иқлим ўзгаришлари асоратларини юмшатишга ижобий таъсир кўрсатади. Шунингдек, энергияга бўлган умумий талабни тўлиқ қондириш, узоқ ва чекка ҳудудларда узлуксиз энергия таъминотини амалга ошириш каби қатор масалаларни ҳал қилиш ҳамда барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш имконини берганлиги учун, сўнгги йилларда мамлакатимизда умумий энергия балансида қайта тикланувчи энергия манбаларининг улуси ортиб бормоқда. Ушбу энергия манбаларининг умумий қуввати 2000–2018 йилларда жами 403 МВт га ошиб, 2018 йилда 1999 МВт ни ташкил қилган. Бугунги кунда мамлакатимиз энергия балансида қайта тикланувчи энергия манбаларининг улуси 3% ни ташкил қилмоқда (1-расм).

Бугунги кунда мамлакатимиз энергетика сиёсати олдида икки муҳим вазифа устувор қилиб белгилан. Биринчидан, қайта тикланувчи энергия ресурсларидан кенг фойдаланиш орқали ёқилғи балансини диверсификациялаш. Бунда энергиянинг анъанавий манбаларини қайта тикланувчи энергия манбаларига алмаштириш ҳисобига электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқаришда қазиб олинувчи ёқилғи улушкини камайтиришга эришила-

ди. Иккинчидан, ялпи ички маҳсулот энергия сиғимини қисқартириш, ишлаб чиқаришга энергияни тежайдиган технологияларни кенг жорий қилиш ва иқлим ўзгаришларига салбий таъсирни камайтириш, ҳудудларнинг экологик ҳолатини яхшилаш.

Аҳолини электр энергия билан тўлиқ ва узлуксиз таъминлаш мамлакатимиз энергия сиёсатининг устувор вазифаларидан бири-дир. Ялпи ички маҳсулот, газ ва кўмир қазиб олиш омилларини инобатга олган ҳолда эконометрик таҳдиллар асосида мамлакатимизда электр энергия ишлаб чиқариш ҳажмининг 2025 йилгача прогнозини амалга оширамиз. Эконометрик таҳдил 2000–2018 йиллар маълумотлари асосида Excel дастурида амалга оширилди.

Мамлакатимизда электр энергия ишлаб чиқариш ҳажмининг стохастик эконометрик модели қўйидаги кўринишга эга бўлади:

$$EG = f(GDP, CM, GP) \quad (1)$$

бу ерда:

EG (electricity generation) – электр энергия ишлаб чиқариш ҳажми (млрд кВт/соат);

GDP (Gross domestic product) – ялпи ички маҳсулот (2018 йил нархларида млрд сўм);

CM (Coal mining) – кўмир қазиб олиш (минг тонна);

GP (gas production) – газ ишлаб чиқариш (млрд м<sup>3</sup>).

Корреляция-регрессия таҳдилини амалга ошириш учун чизиқли регрессия моделидан фойдаланамиз:

$$EG = A_0 + a_1 \times GDP + a_2 \times CM + a_3 \times GP \quad (2)$$

Ўзгарувчилар коэффициентларини киришиб, модельни қуидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$EG = 7,8564 + 9,4389 \times 10^{-6} \times GDP + 4,9489 \times 10^{-5} \times CM + 0,8387 \times GP \quad (3)$$

Тенглама коэффициентлари бошқа омиллар ўзгармаган ҳолда ҳар бир омилнинг натижавий кўрсаткичга таъсирини кўрсатади. Бунда ялпи ички маҳсулотнинг ҳар 1 млрд сўмга ошиши электр энергия ишлаб чиқариш ҳажмининг 9439 кВт/соатга ошишига, кўмир қазиб чиқариш ҳажмининг ҳар 1 минг тоннага ортиши электр энергия ишлаб чиқариш ҳажмининг 49 489 кВт/соатга ошишига, шунингдек газ ишлаб чиқариш ҳажмининг ҳар 1 млрд м<sup>3</sup> га ортиши электр энергия ишлаб чиқариш ҳажмининг 838,7 млн кВт/соатга ортишига олиб келади.

Олинган коэффициентларнинг аҳамиятини баҳолаймиз. Бунинг учун барча  $t_{\text{крит.}(15)}^{0,05}$  статистик ўлчовлари  $t_{\text{крит.}(15)}^{0,05} = 2,1315$  кўрсаткичига яқин ва ундан юқори қийматни қабул қилишини текширишимиз керак. Фақатгина  $a_2 (-0,70093)$  коэффициент ишончлилик оралиғига тушмайди. Умуман олганда, олинган регрессия коэффициентлари статистик жиҳатдан аҳамиятли, шунинг учун навбат-

даги таҳдиллар ва прогнозлар учун чизиқли регрессия тенгламаларида улардан фойдаланиш мумкин. Ушбу модельнинг детерминация коэффициенти  $R^2 = 0,99936$  га ҳамда мослаштирилган  $R^2 = 0,99923$  тенг. Бу эса натижавий омил билан таъсир этувчи омиллар ( $x_1, x_2, x_3$ ) ўртасида кучли боғлиқлик мавжудлигини, натижавий омилдаги ўзгаришлар 99,94% ҳолатда таъсир этувчи омиллар асосида, қолган 0,06% ҳолатда кўзда тутилмаган бошқа омиллар натижасида юзага келиши мумкинлигини кўрсатади. Бунда модельнинг ўрганилаётган жараёнга мослиги ва статистик аҳамиятлигини аниқловчи Фишер F-мезонининг ҳисобланган қиймати

$F_{\text{хисоб.}} = 7807,59$ , жадвал қиймати  $F_{\text{жадвал}}(3,15) = 3,29$  га тенг.  $F_{\text{хисоб.}} > F_{\text{жадвал}}$  бўлиб, модель шартини қаноатлантиради. Шунингдек, аҳамиятли  $F = 3,60553 \times 10^{-4} < 5\%$  эканлиги регрессия модели ишончли эканлигини кўрсатади (2-жадвал).

Модель асосида амалга оширилган прогноз Ўзбекистонда электр энергия ишлаб чиқариш ҳажми 2025 йилга бориб, 2018 йилга нисбатан 40% га ошишини ҳамда 84,9 млрд кВт/соатни ташкил қилишини кўрсатади (2-расм).

Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергетикани ривожлантириш бўйича 2017–2030 йилларда умумий қиймати 5338,9 млн АҚШ долларга тенг бўлган 810 та инвестицион лойиҳалар кўзда тутилмоқда. Ушбу инвестицион лойиҳаларнинг умумий қиймати 4260,1

## 2-жадвал

### Регрессион таҳдил натижалари\*

	Коэффициентлар	Стандарт хатолик	t-статистика	P-қиймат
Y	7,856433993	0,992203948	7,918164414	$9,7711 \times 10^{-7}$
$x_1$	$9,4389 \times 10^{-6}$	$8,4495 \times 10^{-7}$	11,17096076	$1,1426 \times 10^{-8}$
$x_2$	$-4,9489 \times 10^{-5}$	$7,0604 \times 10^{-5}$	-0,700933726	0,494075215
$x_3$	0,838705641	0,021647695	38,74341613	$1,8789 \times 10^{-16}$
Кўплик R		0,999679953	Кузатувлар	19
R-квадрат		0,999360008	F	7807,593299
Мослаштирилган R-квадрат		0,999232009	Аҳамиятли F	$3,61 \times 10^{-24}$
Стандарт хатолик		0,130879486		

\* Excel дастури ёрдамида муаллиф томонидан амалга оширилган



**2-расм. Ўзбекистонда электр энергия ишлаб чиқариш ҳажми: 2000–2018 йилларда амалдаги кўрсаткич ва 2019–2025 йилларга прогноз (млрд кВт-соат)**

**Манба:** 2000–2018 йиллар кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий маълумотлари асосида ва 2019–2025 йиллар кўрсаткичлари муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

млн АҚШ долларга тенг бўлган 778 таси соҳада янги қурилишлар учун, қолган 1078,8 млн АҚШ долларлик 32 та лойиҳа қайта тикланувчи энергетика обьектларини модернизация қилиш учун йўналтирилади. Молиялашибдириши манбалари бўйича жами инвестицион лойиҳалар умумий қийматининг 2634,1 млн АҚШ долл. қисми хусусий маблағларга (2222,5 млн АҚШ долл. – янги қурилишга ва 411,7 млн АҚШ долл. – модернизацияга), 389 млн АҚШ долл. Ўзбекистон Тараққиёт ва тикланиш фонди маблағларига (жумладан, 389 млн АҚШ долл. янги қурилишга), 139 млн АҚШ долл. тижорат банклари кредитларига (жумладан, 139 млн АҚШ долл. янги қурилишга) ҳамда 2176,8 млн АҚШ долл. хорижий инвестициялар ва кредитларга (жумладан, 1509,7 млн АҚШ долл. янги қурилишга ва 667,2 млн АҚШ доллар модернизацияга) тўғри келади [15].

### Хуносалар

Бугун кўплаб жаҳон мамлакатларида энергетика ривожланишининг замонавий босқичида энергия ресурсларининг чекланганлиги шароитида энергия ресурслари импортига юқори даражада боғлиқлик, энергия ресурслари нархининг юқори даражада нобарқарорлиги, энергия таъминоти хавфсизлиги рискининг ошиши ҳамда иқдим ўзгаришларининг ўсиб борувчи хавфи

кузатилмоқда. Мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия энергетиканинг ривожланиши ушбу муаммоларни бартараф этишга хизмат қиласи. Шунингдек, қайта тикланувчи энергия манбаларининг амалда батамом тугаб қолмаслиги, мамлакатимизнинг барча ҳудудларда унинг қайсиdir тури мавжудлиги ва атроф-муҳитга салбий таъсирининг йўқлиги туфайли мамлакатимизда яқин кела жақда ушбу турдаги энергиядан фойдаланишга қизиқиш янада ортиб боради.

Мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш кўламини ошириш учун рағбатлантиришнинг қуидаги иқтисодий механизмларини жорий қилиш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни рағбатлантиришнинг «яшил» сертификатлаш тизимини жорий қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз;

2. Қазиб олинувчи энергия манбаларидан юқори меъёлларда фойдаланиш орқали атроф-муҳитга зарарли моддаларни чиқарганлик учун жарималар ва солиқларни жорий қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз;

3. Локал тармоқ ва ягона электр энергия тармоғига қайта тикланувчи энергия манбалари асосида ишлаб чиқарилган электр энергиясини реализация қилишга рухсат бериш;

4. Йирик электр энергияси истеъмолига эга бўлган тармоқларда қайта тикланувчи энергия манбаъларини истеъмол қилиш ва ишлаб чиқариш бўйича мажбурий квоталарни жорий қилиш;

Углеродга асосланган энергия ресурсларидан фойдаланиш орқали атроф-муҳитга меъордан ортиқча заарли моддаларни чиқарганлик учун жарималар ва солиқларни жорий қилиш.

Юқорида кўриб ўтилган қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни рагбатлантиришнинг қатор иқтисодий механизмларидан фойдаланиш мамлакатимиз умумий энергия истеъмолида қайта тикланувчи энергия улушининг ошишига, ўз навбатида, юқори иқтисодий самарага эришиш, атроф-муҳитга салбий таъсирнинг камайиши ва охир оқибатда, барқарор ривожланишга эришиш имконини беради.

### **Манба ва адабиётлар**

1. Газовый рынок Европы. [www.ng.ru/energy/2011-09-13/13\\_europe\\_market.html?id\\_user=Y](http://www.ng.ru/energy/2011-09-13/13_europe_market.html?id_user=Y) (Мурожаат санаси: 13.09.2011).
2. Телегина Е.А. Энергетические рынки: неопределенность будущего мировой энергетики // Нефть, газ и бизнес. – 2014. – №1. – С. 4.
3. Andrea Borghesi and Michela Milano. Simulation of incentive mechanisms for renewable energy policies DISI University of Bologna, Italy. – 2013.
4. Ulritz Uzein T. Corcuera. Effectiveness of Renewable Energy Policies in Promoting Renewable Energy Development: The case of Feed-in-Tariff (FiT) and Renewable Portfolio Standard (RPS). // The Hague, The Netherlands. – December, 2017.
5. Подолинский С.А. Труд человека и его отношение к распределению энергии. Предисловие П.Г. Кузнецова. – М.: Ноосфера. 1991. – С. 49.
6. Кара-Мурза С.Г. Научная картина мира, экономика и экология.  
URL: [https://royallib.com/book/karamurza\\_sergey/nauchnaya\\_kartina\\_mira\\_ekonomika\\_i\\_ekologiya.html](https://royallib.com/book/karamurza_sergey/nauchnaya_kartina_mira_ekonomika_i_ekologiya.html) (Мурожаат санаси: 05.02.2018)
7. Российская промышленная политика и проблемы индустриализма / Сост. Кара-Мурза С.Г.; под ред. И.О. Шурчкова, Д.И. Пискунова // Социально-философское обоснование промышленной политики. – М.: АО ИКК РИА, 1994. – С. 75.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги «2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиши соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириши чора-тадбирлари тўгерисида»ги 841-сон қарори.
9. United Nations Economic Commission for Europe. URL: [https://www.unece.org/fileadmin/DAM/energy/se/pdfs/gee21/projects/Stre\\_Cooperation.pdf](https://www.unece.org/fileadmin/DAM/energy/se/pdfs/gee21/projects/Stre_Cooperation.pdf) (Мурожаат санаси: 10.01.2019).
10. Аллаев К. Какие альтернативы у альтернативной энергетики? // Экономическое обозрение. № 5 (2017). – С. 25. – 2017. – №5. – С.25.
11. British Petroleum. BP Statistical Review of World Energy// London. – June 2018. – 67 th edition. – Pp. 9.
12. International Renewable Energy Agency (IRENA)//Renewable Capacity Statistics. – 2019. – Pp. 2-4.
13. <https://data.worldbank.org/indicator/EG.FEC.RNEW.ZS?view=chart>.
14. <https://yearbook.enerdata.net/renewables/renewable-in-electricity-production-share.html>
15. Целевые параметры Программы мер по дальнейшему развитию возобновляемой энергетики. Приложение № 1 к постановлению Президента Республики Узбекистан от 26 мая 2017 года № ПП-3012.

### **Тақризчи:**

Усманов А.С., иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёти университети ҳузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари» илмий тадқиқотлар маркази сектор мудири.